

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТДА ФУҚАРОЛАРНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Шамсиев Фирдавс Шамсиддинович,
Адлия вазирлиги ходими, ҳуқуқ магистри
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон
E-mail: shamsiyevfirdavs@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада ижтимлий давлатда фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ҳамда иқтисодий ҳуқуқ тушунчаси, мулк ҳуқуқ шакллари ва назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мулк ҳуқуқи, иқтисодий ҳуқуқ, мулкдор, мулк ҳуқуки кафолатлари, хўжалик юритувчи субъектлар.

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПРАВА ГРАЖДАН В ГОСУДАРСТВЕ
БЛАГОСОСТОЯНИЯ

Шамсиев Фирдавс Шамсиддинович,
Сотрудник Министерства юстиции, магистр права
город Ташкент, Узбекистан
Электронная почта: shamsiyevfirdavs@gmail.com

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы нормативно-правового регулирования, регулирующего экономические права граждан в социалистическом государстве, а также понятие экономического права, формы права собственности и теоретико-правовые аспекты.

Ключевые слова: право собственности, имущественное право, собственник, гарантии права собственности, хозяйствующие субъекты.

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар бир давлатда хусусий мулк ва у билан боғлиқ бўлган муносабатлар иқтисодиётни ривожлантириш ва мамлакатнинг тараққий этишида асосий омиллардан ҳисобланиб, хусусий мулкнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини англаш ва белгилаб олиш муҳим ҳисобланади.

Хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 17-моддасида ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган [1]. Мазкур норма ҳар бир фуқаронинг мулк ҳуқуки эркинлиги кафолати ҳисобланиб, барча шахслар мулкдор бўлиш ҳуқуқига эгалигини англатади.

Ҳар бир мамлакат эркин ва фаровон жамият қуришга интилар экан, бу йўлдаги улуғвор мақсад ҳамда вазифаларини, аввало, ўз Конституциясида мустаҳкамлайди. Бунда қонун устуворлигини таъминлаш ҳар қандай замонавий демократик давлатнинг асоси ҳисобланади. Айнан Конституцияда белгиланган устувор қоидалар асосида жамият, унинг сиёсий институтлари ва иқтисодиёт тўлиқ ривожланади [2]. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Конституцияси орқали фуқароларнинг иқтисодий ҳукуқлари ҳисобланган мулк ҳукуки кафолатлари белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 41-моддасига кўра, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли”ли ҳамда 65-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳукуқлилиги ва ҳукуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас [3].

Инсонда тугилиши билан вужудга келадиган олий ҳукуқлар мавжуд бўлиб, ҳукуқ назариясида табиий ҳукуқлар сифатида эътироф этилади. Яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик каби бундай табиий ҳукуқлар сафига мулк ҳукуқини ҳам киритиш хато бўлмайди. Ҳукуқ нормаларида гарчи мулк ҳукуки иқтисодий ҳукуқлар туркумiga киритилсада, лекин инсонларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида тутган ўрни ва аҳамияти, фаол иштироки ушбу ҳукуқнинг табиий ҳукуқлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатади [4].

Жамиятнинг иқтисодий негизи-мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Шу сабабли мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эга. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда “тақдим этилган” бойиклар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи ижтимоий-иктисодий мақоми вужудга келади. Мулкий муносабат-ларсиз. Иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёни ўз мазмунига эга бўлмайди [5].

Ўзбекистон Республикаси янги ижтимоий жамият қарор топди, иқтисодиёт соҳасида бозор муносабатлари босқичма-босқич шаклланиб бормоқда. Бундай туб ўзгаришлар замирида мулк ва унга бўлган муносабатлар ётади [6].

Амалга оширилаётган ислоҳотлар биринчи навбатда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, инсон фаровонлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётгани муболаға эмас. Бунда асосий категория бўлиб мулк ҳукуки билан боғлиқ муносабатлар асосий ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам жисмоний ва юридик

шахсларнинг мол-мулкини шахсий ҳимоя қилинишини назарда тутувчи асосий нормалар Фуқаролик кодексида мустаҳкамлаб қўйилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар замирида инсон манфаати ва унинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш ётади. Фуқароларнинг мулк ҳуқуқларини кафолатланишини таъминлаш давлатнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқи тушунчаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

Демак, мулк ҳуқуқи иқтисодий категория [7] бўлиб, мулк ҳуқуқи муддатсиз ҳисобланиб, шахснинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишига кўра эгалик қилиш фойдаланиш ва тасарруф этиши ва унинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда уни бартараф этишни талаб қилиши ҳуқуқини ўзида мужассамлаштирган ҳуқуқ ҳисобланади.

Мулқдорнинг мулкий ҳуқуқни ўз хоҳишига кўра амалга оширишда унинг манфаати ётади. Бу манфаат бевосита унинг ўзига, яқинларига ёки бошқаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, ота-она вояга етмаган фарзанди номига банкка омонат пул маблағи кўйганда ҳам, гарчи бунда учинчи шахснинг манфаати кўзлагандай бўлса ҳам, аслида мулқдорнинг ҳаракати замирида ота-она сифатидаги бурчи ётади. Мулқдорнинг ўзи хоҳишига кўра ёки манфаатига зид равишда мулкий битимлар тузишига мажбур қилиш, умумий қоида бўйича бундай битимлар ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади [8].

Мулк ҳуқуқининг аҳамиятли жиҳатларидан бири унинг ўз таркибида уч элементдан, яъни эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш иборат бўлиб, қуйида уларнинг ҳар бирини таҳлил қиласиз:

1. Эгалик қилиш ҳуқуқи – шахснинг ашёга нисбатан юридик ҳукмронлиги, унга амалда ва хўжалик жиҳатидан эгалик қилишидир. Эгалик қилиш мулк ҳуқуқининг зарурий элементи бўлиб, фойдаланиш ҳуқуқи билан ажralмасдир, чунки ашёдан мустақил фойдаланиш учун бир вақтнинг ўзида унга эгалик қилиш ҳам керак [9] Мулкни қўлда ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туриш [10] ҳисобланиб, бунда эгалик қилиш мулқдорнинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва одатда уни ўзи амалга оширади. Эгалик қилиш ҳуқуқи мулқдордан ташқари бошқа шахсларга ҳам тегишли бўлиши мумкин бўлиб, қонун ёки шартнома асосида бошқа шахслар ҳам мулкка эгалик қилиши мумкин.

2. Фойдаланиш ҳуқуқи – ашёдан фойдаланиш жараёнида унинг фойдали, хўжалик хусусиятларини юридик жиҳатидан таъминланган истеъмол қилиш имкониятидир. Фойдаланиш ҳуқуқининг мазмунига ашё келтирадиган ҳосил ва даромадларни ўзлаштириш ҳуқуқи ҳам киради [11]. Бунда мулк ҳуқуқи обьектларидан юзага келадиган натижалар, яъни фойда тушунилиши мумкин.

Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгаллаш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Мулкни эгалламай, қўлда сақламай туриб ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди [12]. Шу муносабат билан мулкка эгалик қилмай туриб унинг натижаларидан фойдаланиш имкони йўқ. Фақатгина эгалиқдаги мол-мулқдан фойдаланиш мумкин.

3. Тасарруф этиш ҳуқуқи – мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқуқий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқ [13] ҳисобланниб, мулк ҳуқуқининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Тасарруф этиш мулк ҳуқуқидан тўлиқ амалга оиширишни англатиб, ундан ўз хохишига кўра, фойдаланишни амалга оширади, яъни ўзга шахсларга бериш ёки ўзидан бегоналаштиш кабиларни ўз ичига олади. Тасарруф этишнинг яна бир мухим жиҳати шундаки, агар мулкдор ўз мулкини бошқа шахсга берса (олди-сотди, ҳадя ва бошқ) бир пайтнинг ўзида эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам тугайди.

Демак, мулк ҳуқуқи юқорида санаб ўтилган уч элементни қамраб олган ҳуқуқлар коиплексини ташкил этади ва фақатгина мулкдорга қарашли бўлади.

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир [14]. Бундан кўринадики, мулк ҳуқуқи ҳуқуқ соҳиби сифатида ўз мулкига эгалик қиласи, фойдаланади ва тасарруф этади. Шу билан бирга, мулкдор ўз мулкини ўзга шахсларда ҳимоя қилиши мумкин.

Мулк ҳуқуқи турли асосларга кўра вужудга келиши мумкин бўлиб, бу жараён мулкнинг қонунда белгиланган тартибга қўлга киритиш билан боғлиқ жараённи қамраб олади.

Фуқаролик кодексининг 182-моддасига асосан, мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари қуйидагилардан иборат: меҳнат фаолияти; мол-мулқдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; давлат мол-мулкини хусусийлаштириш; мерос қилиб олиш; эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат; қонунчиликка зид бўлмаган бошқа асослар натижасида вужудга келади.

Дастлабки асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи илгари ҳеч кимга тегишли бўлмаган мулкка нисбатан ёки мулк эгасининг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган тарзда вужудга келади.

Бундай асосларга қўра мулк ҳуқуқининг вужудга келишига:

- ❖ табиат неъматларини ўзлаштириш;
- ❖ ишлаб чиқариш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида янги ашёларни вужудга келтириш;
- ❖ эгасиз мулкнинг суд қарори билан давлат ихтиёрига олиниши;
- ❖ эгаси бўлмаган мулкка ёки эгаси бўлса ҳам ҳўжасизлик билан сақланаётган мулкка, эгалари томонидан белгиланган муддатларда талаб қилиб олинмаган мулкларга, шу жумладан, топилган ашёлар, хазинага эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши;
- ❖ национализация;
- ❖ ҳамма йиғиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантириш;
- ❖ кабилар мисол бўла олади.

Ҳосила асослар бўйича мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши деганда, муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқининг олиниши дастлабки мулк эгасининг ҳуқуқига боғлиқ бўлган тарзда амалга оширилиши назарда тутилади.

Бундай асосларга қўра мулк ҳуқуқининг вужудга келишига:

- ❖ шартномалар асосида;
- ❖ қонун ва васият бўйича мерос олиш;
- ❖ давлат мулкини хусусийлаштириш орқали олиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулқдан хўжалик усулида ва ўзгача усулда фойдаланиш натижалари, шу жумладан маҳсулот, ҳосил ва бошқа даромадлар мулкдорга тегишли бўлади [15]. Бундан кўринадики, мулк ҳуқуқининг вужудга келиши турли асосларга қўра вужудга келади ва белгиланган тартибда мулк ҳуқуқи вужудга келади. Шунингдек, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар мулк ҳуқуқи вужудга келгандан сўнг юзага келади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасига асосан, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонунчиликка мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина ўз мол-мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Мазкур Қонуннинг 13-моддасига биноан, хусусий мулкка тажовуз қилишга йўл қўйилмайди.

Қонунга хилоф равища хусусий мулк ҳуқуқини чеклашга ва (ёки) ундан маҳрум қилишга бевосита ёки билвосита қаратилган ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Номақбуллиги олдиндан маълум бўлган шартларни мулқдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан ундан мол-мулкни, молиявий маблағларни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равища талаб қилиш тақиқланади.

Мулқдорнинг хўжалик фаолиятига пировард натижада унинг мол-мулки тортиб олинишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ёхуд мулқдорни ўз мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қиладиган қонунга хилоф равищдаги аралашув тақиқланади.

Хусусий мулкка тажовуз қилиш қонунга биноан таъқиб қилинади.

Шу билан бирга, Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддасига кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли.

Кодексининг 26-моддасига асосан фуқаролик ишлари бўйича судга фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмагандан биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно ишлар тааллуқлидир.

Шунга кўра, фуқаролар мулк ҳуқуки бузилиши масаласи юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Юқоридагиларга асосланиб холоса қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда мулқчиликнинг турли шакллари ва турлари мавжуд бўлиб, мулк ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда мулқдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг ҳуқуқий асослари ва механизmlари шаклланган. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда вужудга келган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда амалга оширилади ва мулк ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилинган тақдирда бевосита уни бартараф этиш чоралари қўрилади. Зеро, мулк ҳуқуқининг даҳсизлиги ва унинг муҳофазаси қилиниши Конституцион нормалар ва бошқа қонун ҳужжатлари орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, фуқароларнинг мулк ҳуқуки бузилиши ҳолатлари бўйича бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуки қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

REFERENCES

1. Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
2. "Янги таҳрирдаги Конституция – хуқуқларимизнинг мустаҳкам кафолати" Бахтиёр ИСЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси//<https://yuz.uz/uz/news/yangi-tahrirdagi-konstitutsiya--huquqlarimizning-mustahkam-kafolati>
3. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон), 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон).
4. Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов. Мулк хуқуқи. Услубий қўлланма. "Қонун ҳимоятисида" 1997 й. Тошкент – 1998. 63 б.
5. Кўчмас мулк ва мулк хуқуқи. Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Baktria press. Тошкент – 2017. 200 бет.
6. И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик хуқуқи. Дарслик (умумий қисм) қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Тошкент Давлат юридик институти, 2005 йил. 372 бет.
7. Кўчмас мулк ва мулк хуқуқи. Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Baktria press. Тошкент – 2017. 200 бет.
8. И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик хуқуқи. Дарслик (умумий қисм) қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Тошкент Давлат юридик институти, 2005 йил. 372 бет.
9. Кўчмас мулк ва мулк хуқуқи. Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Baktria press. Тошкент – 2017. 200 бет.
10. И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик хуқуқи. Дарслик (умумий қисм) қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Тошкент Давлат юридик институти, 2005 йил. 372 бет.
11. Кўчмас мулк ва мулк хуқуқи. Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Baktria press. Тошкент – 2017. 200 бет.
12. И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик хуқуқи. Дарслик (умумий қисм) қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Тошкент Давлат юридик институти, 2005 йил. 372 бет.
13. И.Б.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик хуқуқи. Дарслик (умумий қисм) қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Тошкент Давлат юридик институти, 2005 йил. 372 бет.
14. Кўчмас мулк ва мулк хуқуқи. Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Baktria press. Тошкент – 2017. 200 бет.
15. Кўчмас мулк ва мулк хуқуқи. Амалий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Baktria press. Тошкент – 2017. 200 бет.